

Mustahkam oila – yurt tayanchi

QILA DAVRASIDA

№ 49
(447)
2020-yil
3-dekabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.



Тоҳир МАҲКАМОВ:
«Уйлар паст
ОРИЯТ БАЛАНД БЎЛАРДИ...»

7-бет.



ҚОНУНчиликдаги ўзгаришлар
нимага хизмат қиляпти?

3-бет.

«Оила даврасида» газетасига

2021 ОБУНА бошланди

«Оила даврасида» – энг арзон, энг қизиқарли ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!



«Оила даврасида» бу – ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!



ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Батафсил маълумот:

+99897 731-87-01

Обуна индекси –

193



Адабиёт ўқитишдан
мақсад нима?

3-бет.

Тушда аён бўлган
БАШОРАТ

6-бет.

КЎЗ ИЛҒАМАС ҲАҚИҚАТ

«Биз олдимиздаги ариқда оқайган сувга шу қадар ўрганиб қолганмизки, унинг қаерда ибтидо олгани ҳақида ўй суриш ҳаёлимизга ҳам келмайди. Аслида бу сувнинг ҳар томчиси неча минг бор сув, муз, ёмғир, қор, дўл, шудринг шаклига кирган. Кейинчалик қанчадир замон олис тоғлар бошида «оқ дўппи» бўлгану, вақт ўтиши билан эриб, сойлар, дарёлардан оқиб, олдимиздаги ариққа етиб келган.

Биз бугун еяётган нонимизнинг бўғдой тарихини таҳлил қиладиган бўлсак, яна шунчалик узоқ кечмишнинг гувоҳига айланамиз. Минг йиллар бурун тупроққа қадалган илк бўғдойдан шу бугунги дастурхонимизда турган нонгача бўлган тарих бу.

Масаланинг бошқа жиҳатига ўтайлик. Бугунги нонимиз дастурхонимизга қандай келиб қолди? Уруғ, тупроқ, парвариш, ҳосил, ўрим-терим, хирмон, тегирмон, тандир. Гўё ажабланарли жойи йўқ. Лекин ҳар бир нон орқасидан киши ўзи шу даврани айланиб ўтишга ҳаракат қилгудек бўлса, бундан мавҳумроқ иш бўлмас эди.

Шунинг учун инсон жамиятга, давлат ва халқнинг бирлигига, яқдиллигига таяниб яшайди. Давлат фермерликни, тадбиркорликни, хусусий мулкчилик, саноат ва бошқа кўплаб соҳаларни ривожлантириш орқали аҳолини озиқ-овқат билан таъминлайди.

Лекин бир қарашда бу ҳақиқатни кўз илғамайди. Гўё ҳаммаси ўз-ўзидан бўлаётгандек – ариқдаги сув оқаверади, новвой эҳтиёжимизни қондираверади.

Аслида бўғдой бошоғининг тарихи каби ҳамма нарса жуда узоқдан бошланади. Дейлик, эрталаб ишга ё ўқишга кетяпмиз. «Ўз-ўзидан» бекатга келиб, манзилимизга олиб кетадиган транспортнинг ҳар қайси мурвати қачондир руда, пластмасса ё кимёвий модда бўлганини, уни юргизаётган ёқилғи ер қаъридан олинганини, сўнг бу транспортнинг ишлаб чиқарилгани-ю ҳар тонг уйимиз олдидаги бекатга етиб келганини ўйлаб кўрсак, бу жараённинг орқасида ҳам давлат турганини кўришимиз мумкин.

Лекин бир қарашда эмас. Айтайлик, транспорт масаласини ҳар бир инсон ўзича ҳал қилишга киришганда, унинг бутун умри бунга етиши амри маҳол эди.

«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деган сўзларнинг мазмун-моҳияти мана шундай, бир қарашда кўз илғамайдиган ҳолатларда намоён бўлади.

Яна бир жиҳат. Биз фойдаланаётган ҳаёт неъматларининг ҳаммаси ҳам Ўзбекистонда етиштирилмайди, ишлаб чиқарилмайди. Айрим товарларни кўшма корхоналаримиз хориждан келтирилган хомашёдан ишлаб чиқарса, айримларини бутунлай четдан келтирамиз. Уйимиз тўридан жой олган телевизор, хонадонимизни керакли ҳароратда ушлаб туриб, хушҳаво қилувчи кондиционер ёки иш столимизда

турган компьютердан фойдаланиш учун кимлардир хорижий мамлакатларга бориб, шартномалар тузиши, келишувларга эришиши, логистика масалаларини ҳал қилиши керак. Яхшилаб қараганда, бунинг замирида ҳам давлатнинг инсонга хизмати муҳим эканини кўриш қийин эмас.

Аслида инсон ва давлат муносабатлари яна ҳам мураккабдир. Ахир «ўз-ўзидан» бўладиган ходисалар юз бериши учун ҳам муайян шароит зарур.

«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар».

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 2-моддаси.*

Дастлабки мавзуни бошқатдан таҳлил қилсак, бўғдойни фермер етиштиришини, тегирмончи унга айлантиришини, новвой тандирга ёпишини кўрамиз. Бундан ташқари, бу жараённинг ҳар бир қисмини транспорт бир-бирига боғлайди. Қолаверса, нон учун фақат бўғдой эмас, сув, туз, хамиртуруш, таъбга кўра седана, ёғ, тухум, ундан кейин гургут, ўтин, тандирнинг ўзи, хуллас, жуда кўп нарса керак бўлади.

Мана, биргина ноннинг ўзи учун қанча одам меҳнат қиляпти. Бу одамларнинг ҳаммаси ўз меҳнатидан манфаатдор. Уларнинг бошини қовуштириш, жараён бошидан охиригача узлуксиз давом этишини таъминлаш ишлари ортида ҳам давлатнинг инсонга хизмати намоён бўлади.

Давлат, айтганимиздек, фермерга, тадбиркорга, бир сўз билан айтганда, хусусий мулкдорга шароит яратиш бермаганида, бизнинг эрталаб иссиққина патирга қаймоғу асал суриб ейишимиз жуда қийин масалага айланар эди. Ваҳоланки, ҳаммаси «ўз-ўзидан» гўё...

Тартиб ҳақида гапирганда ҳам кўп нарсаларни кўзимиз дарров илғаб ололмайди. Инсоннинг вояга етиш жараёнига разм солайлик. Боғча, мактаб, ўқув юрти, иш. Бу орада – туғилган кундан тартиб, тўй-ҳашамгача сон-саноксиз маросимлари байрамлар. Бола одатан тиним билмайди ва ҳеч вақт ўтмай ҳар қандай катта одамни ҳолдан тойдиради. Боғча ота-онанинг вақтини тежаб, болани жамият аъзоси этиб тарбиялайди, элга қайиштиради. Мактаб тақдим қиладиган илмни ҳам ҳеч қайси ота-она ўз фарзандига бера олишга қодир эмас. Институт ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бинобарин, «ўз-ўзидан» ҳосил бўлаётган бу занжирнинг ҳар бир ҳалқаси ортида давлатнинг инсонга хизматини кўрамиз.

Тартиб ҳақида кўпроқ гапириш мумкин. Транспортлар ҳаракатини

бошқарадиган йўлчирик ишламай қолган ҳоллар бўлади. Албатта, бундай ҳолатда тирбандлик, машина сигналларининг «қий-чуви», асабийлашган ҳайдовчиларнинг бақир-чақир кишини узоқ куттирмайди.

Хавфсизлик, милиция, чегара, божхона, солиқ хизматлари қанчалик муҳимлигини биламиз. Куну тунларимиз файзи ва осудалигига террорчи, жиноятчи, қароқчи раҳна солмаётгани, юртимизга наркотик воситалар, портловчи моддалар, ёт мафқураларга оид бузғунчи адабиётлар кирмаётгани бевосита давлатнинг инсонга хизмати туфайлидир.

Замонавий маиший техника электр энергиясини талаб қилади. Иссиқлик электр станциясини мисол қилиб оладиган бўлсак, кўз олдимизда яна узун занжир гавдаланади. Аввало, станция қурилади. Шунинг ўзи ҳам узоқ давом эта-

диган узлуксиз жараён. Кейинчалик – кўмир қонини ўзлаштириш, сув қувурлари тортиш, буғ қурилмаларини ўрнатиш, юксак қувватга дош берадиган электр узатиш линиялари ва трансформаторларни барпо этиш.

Эътибор берсангиз, бу жараёнда қончилару қурувчилардан то юксак интеллектуал салоҳиятга эга олимларгача жуда кўпчилик иштирок этади. Давлатнинг инсонга хизмати шуки, биз «ўз-ўзидан» мавжуд бўлган шу электр энергиясини баҳузур ишлатамиз ва узилишлар чоғида бу улкан занжир ҳалқаларининг қайси бирида тезкор таъмир ишлари кетаётганини тасаввур ҳам қилмасдан безовта бўлиб кўямиз.

Умуман олганда, кўз илғамас ҳақиқатни ҳар қадамда, ҳар нарсага нигоҳ ташлаганда кўриш мумкин. Кўприк ва йўлда, поезд ва самолётда, стол-студла, эшик ва деразада.

Дарвоқе, тўхталиш зарур бўлган яна бир соҳа бор. Тиббиёт соҳаси.

Бу соҳа инсон умрининг ҳар бир босқичида муқаррар иштирок этади. Болалар туғилганидан бошлаб эмланади. Улғайгач, ҳар йили тиббий кўриқдан ўтади. Киши касалланса, шифохонага мурожаат қилади ва оёққа туради. Айниқса мана шу 2020 йил тиббиётнинг ҳаётимизда қанчалик аҳамиятга эгаллиги яна бир қарра ўз исботини топди.

Яхшики, сохта табибларга, улар тайёрлайдиган сохта малҳамларга эҳтиёжимиз йўқ. Бунинг сабаби узлуксиз тарзда замонавий билимларга эга бўлган шифокорлар, фармацевтлар етишиб чиқаётганида, энг илғор ускуналар билан жиҳозланган поликлиника ва шифохоналар бунёд этилишида, барча турдаги дори-дармон билан таъминланган, кеча-кундуз ишловчи дорихоналар очилишидадир. Хўш, бунинг замирида нима намоён бўляпти? Албатта, давлатнинг инсонга хизмати.

Кўз илғамайдиган мана шу ҳақиқатлар Конституциянинг бутун мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бунинг ҳаётимизда қанчалик амал қилиши эса ҳар биримизга, жумладан, зиммасига масъулият олган ҳар бир раҳбарнинг виждонига боғлиқ.

Музайяна МАШРАБХОН

Худудда уюшган жиноятчилик ҳолатлари учраб турибди. Айниқса, Чилонзор туманида жиноят содир этиш ҳолатлари икки барабарга кўпайган. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида айнан шу масалаларга бағишланган мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида бу алоҳида қайд этилди.

ТОШКЕНТДАГИ КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТ

талаб гаражасига эмас

Мамлакат пойтахти унинг кўзгуси ҳисобланади. Келадиган сайёҳлар, халқаро ҳамжамият вакиллари шу ердаги вазиятга қараб мамлакатга баҳо беради.

Шу сабабдан пойтахт ҳар жиҳатдан намунали бўлиши, хусусан, тинч ва озоқ-ойишталик сақланиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев раислигида ўтган йиғилишда Ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов, Миллий гвардия кўмондони Рустам Жўраев, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Чилонзор тумани сектор раҳбарлари иштирок этди.

Айрим раҳбарларнинг, масъулларнинг бепарволик ва лоқайдликка берилгани оқибатида сўнгги вақтларда Тошкент шаҳрида уюшган жиноятчилик ҳолатлари учраётгани танқид остига олинди. Таъкидландики, Тошкент шаҳри бўйича олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар сони бошқа вилоятларга нисбатан энг кўп, яъни ҳар 100 минг аҳолига 138 тадан тўғри келган бир вақтда, Чилонзор туманида бу кўрсаткич шаҳар кўрсаткичидан қарийб икки барабарга кўп бўлиб, 246 тани ташкил этган.

Пандемия сабабли жорий этилган карантин муносабати билан ҳаракатланиш бир мунча чекланиб, назорат тадбирлари кучайтирилган бир шароитда Чилонзор туманида бунинг акси бўлган. Криминоген вазиятнинг бундай аянчли ҳолатга келгани туман масъулларининг ўз ишига ўта лоқайд ва юзаки муносабатда бўлганлигидан далолат беради.

Оқибатда тумандаги вазият барқарорлиги ва аҳоли хотиржамлигига жиддий салбий таъсир қиладиган мудҳиш жиноятлар, жумладан, қасдан одам ўлдириш, фирибгарлик, ўғрилиқ, безорилик жиноятлари ҳамда аёллар ва ишламайдиганлар томонидан содир этилган жиноятлар кескин ошган. Қасдан баданга оғир шикаст етказиш, босқинчилик, талончилик ҳамда рецидив ва гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар кўрсаткичи юқориликча қолмоқда.

Йиғилишда ҳуқуқбузарликлар таҳлили, содир этилган жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси ва кўрсаткичлари, қидирувдаги шахслар, очилмаган жиноятлар, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар тумандаги ҳар бир ҳудуд, шунингдек, аёллар, вояга етмаганлар, ёшлар ва бошқа тоифадаги фуқаролар кесимида танқидий кўриб чиқилди ва атрофлича муҳокама қилинди, дея хабар берди ЎЗА.

ФАҚАТ БИЛИМ БЕРИШ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Ўқувчини билим олишга рағбатлантириш – бугуннинг талаби

«Ўқитувчи! Бу сўзни эшитган ҳар бир инсон қалбида ажиб бир туйғу, ширин хотиралар уйғонади. Чунки ёш боланинг инсон бўлиб шаклланишида унга таълим берган ўқитувчиларнинг ўрни бекиёс. Қадимдан бу касб эгалари халқ ардоғида бўлиб келишган.

Аммо, минг афсуски, юртимизнинг яқин тарихида ўқитувчилардан тайёр интизомли ишчи кучи сифатида фойдаланиш оддий ҳолатга айланиб қолган эди. Ўқитувчилар сафарбар қилинмаган бирор жараён қолмади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Улардан пахтазорда пахтакор, маҳаллада фаррош вазифасини бажариш талаб қилинди. Ўқувчилар кўз ўнгида унинг устози бундай қора ишларни бажариши, ўз-ўзидан устозга бўлган ҳурматнинг йўқолишига сабаб бўлди.

Минг бор шукр, сўнгги йилларда ўқитувчи ва мураббийларга жуда катта эътибор берилмоқда. Бу эса нафақат ҳар бир ўқитувчини, балки бутун халқни ҳақли равишда қувонтирди. Айниқса, ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами муносабати билан Президентимизнинг устоз ва мураббийларга йўллаган мурожаати барча ўқитувчиларни жуда руҳлантириб юборди. Бу мурожаат ҳар бир ўқитувчининг қалбида ўз устида ишлаб, ўқувчиларга чуқурроқ билим бериш иштиёқини уйғотди, десам хато бўлмайди. Берилган бу эътибор ва ишонч ҳар бир устозга шу ҳурматга лойиқ бўлиш масъулиятини юклайди.

Мен ҳам бир она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси сифатида бугунги кунда академик лицей, коллеж ва мактабларда адабиёт фанини ўқитишда янгича ёндашиш борасида баъзи фикрларимни баён этмоқчиман.

Бадий адабиётга муҳаббат Шарқда, шу жумладан юртимизда ҳамиша ардоқланиб келинган. Аммо боболаримиз

қолдирган буюк маънавий меросни ёшларга қай даражада ўргатаймиз? Бугунги кунда ёшларимизни бадий адабиётимизга қанчалар яқинлаштира оляймиз? Бу саволлар таълим тизимидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Афсуски, адабиёт дарсларида ёшларнинг қалбида бадий адабиётга меҳр уйғотишдан кўра, кўпроқ адибларнинг ҳаёти ва ижодига тегишли саналарни эслаб қолишгагина асосий урғу берилаяпти.

Берилган маълумотларни ўқувчиларнинг қай даражада эслаб қолиши, уларнинг адабиёт фанидан билимларини баҳолашга асос бўлмоқда.

Аслида адабиёт фанининг асосий мақсади ўқувчиларнинг қалбида бадий адабиётга меҳр уйғотиш, бунинг учун уларга асарларнинг моҳиятини, адиб шу асари билан нима демоқчи эканини, асар қаҳрамонлари феъл-атворида намоён бўладиган ўзига хос хислатларни ўргатишга ҳаркат қилиш ва шу орқали уларга тарбиявий таъсир қилишдир. Айниқса, мумтоз адабиётимизга меҳр уйғотишда аруз вази қоидаларини ва боболаримиз яратган бадий санъат турларини чуқурроқ, аммо содда тилда тушунириш жуда катта ёрдам берган бўларди. Бармоқ вазидаги содда шеърларни ёд олиб ўрганган болага, аруз вазидаги шеърни ўқиш анча мураккаб туюлади. Чунки аруз вази жуда мураккаб ва уни тў-



лик ўзлаштириш қийин. Бирок ҳеч бўлмаганда аруз вазидаги шеърларни чиройли ўқишга ўргатиш, фарзандларимизни мумтоз адабиётимизга анча яқинлаштирган бўларди.

Бу ҳаракатни мактабларда бошланғич синфлардан, ҳеч бўлмаганда 5-синфдан содда кўринишда ўргатишни бошлаш ва бу борада илк кўникма ҳосил қилиш, кейинчалик юқори синфларда аруздаги мураккаб жиҳатларни ўзлаштиришда ўқувчиларга катта кўмак беради.

Масалан, 5-синф ўқувчиларига адабиёт дарсида аруз вазининг тарихи қуйидагича кичик ҳикоя тарзида тушунирилиши мумкин:

«Азиз ўқувчилар, биз бугун сиз билан тарихга, Аруз деган водийга саёҳат қиламиз. VIII асрда Арабистонда Аруз деган водий бўлган экан. Ўша водийда Халил ибн Аҳмад деган киши яшар, у шеърятни жуда севарди. Унинг юртида шоирлар кўп бўлса ҳам ҳаммаси ўз билганича ёзаркан. Халил ибн Аҳмад эса ўзи олим ва шоир бўлгани учун шеърлардаги оҳанг тартиби бузилса, шеър чиройли

чиқмаслигига эътибор берибди. Шунинг учун шеърларни маълум қоида асосида ёзиш кераклигини аниқлаб, қоидалар ишлаб чиқибди. Бу қоидалар ҳаммага тушунарли бўлиши учун ундаги атамаларни оддий нарсалар номи билан атабди. Аввало, шеърлар ёзиладиган тизимни ўзи яшаётган водий номи билан Аруз деб номлабди. Унда ёзилган икки мисра шеърни эса байт, яъни уй деб атабди. Арабистонда ўша вақтларда уйлар ўрнига чодирлар тикилар эди. Чодирларни ёғоч устунлар кўтариб турган. Шеърий байтни ҳам рукнлар-устунлар ташкил қилади. Агар уйнинг устунлари шакли бир хил бўлса, уй чиройли чиққанидек, шеър мисраларидаги рукнлари — устунлари қанчалик бир-бирига мос келса, шеър ҳам чиройли чиқади...»

Адабиёт дарсларида рукн ва баҳрлар оҳанги такрорланиб ўргатилса, ғазаллар оҳангга солиб машқ қилинса, ўқувчилар уларни чиройли ўқишга ўргатилса, улар учун адабиёт дарси севимли машғулотга айланарди. Шунда фарзандларимиз аруз вазидаги шеърларни севиб ёд олишарди. Бу эса уларни мумтоз адабиётимиз ва буюк боболаримиз билан маънан яқинлаштирган бўларди.

Дарсликларда, айниқса, XX аср ўзбек адабиёти намояндлари ҳақидаги маълумотлар бир хил қилинса берилган. Бунда асосан адибнинг қаерда ва қачон туғилгани, қайси таълим масканларида таҳсил олгани ҳақидаги маълумотлар бор холос. Асарлар ҳақида гапирилганда ҳам бир-бирига яқин кўринишдаги маълумотлар кўп учрайди. Бу эса

ўқувчини зериктиради. Чунки ҳозирги кунда бу каби ахборотларни инсталган вақтда интернет орқали топиш мумкин.

Шунинг учун ҳам адиблар ижоди ва шахсияти ҳақида билим беришда улар ҳақидаги замондош инсонлар хотираларидан фойдаланиш ва адиб билан боғлиқ қизиқарли ҳодисалардан фойдаланган ҳолда унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш кўпроқ ижобий натижа беради. Ўқувчиларга шундай қизиқарли маълумотлар бериш зарурки, бу маълумот ва ҳодисаларни тинглагандан сўнг ўқувчининг қалбида шу инсонлар ҳақида янада кўпроқ маълумотни билишга интилиш уйғонсин. Натижада ўқувчи қўшимча китоблар ва интернет орқали бошқа маълумотларни ўзи излаб топади.

Масалан, Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганаётганда адибнинг қайси даврда яшаб ижод қилгани ҳақида қисқача сўзлагандан сўнг ёзувчи ҳақидаги «Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» китоби, Саид Аҳмаднинг «Йўқотганларим ва топганларим» асари, Матёқуб Қўшжононнинг «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» асари каби бир қатор китоблардаги қизиқарли маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда ўқитувчи ўқувчи учун билим берувчи инсон эмас, балки уни билим олишга рағбатлантирувчи шахс сифатида гавдаланмоғи керак. Шу орқали биз ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва буюк ота-боболаримизга ҳурмат ҳисси шаклланишига ёрдам берамиз. Бу эса давр талаби, юрт келажаги олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Дилфуза ЭРБОЕВА,

Тушин политехника университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

нимага хизмат қилади?

«Ҳар ой поёнига етиши билан келгуси ойнанинг биринчи кунидан бошлаб қонунчиликда нима ўзгаришлар бўлиши ҳақидаги хабарларга дуч келамиз. Баъзан эса, ойнанинг ўн бешинчисидан бошлаб қонунчилик ўзгаришлари жорий этила бошлайди. Ўзгаришларсиз бошланадиган ойлари негандир кам...

Бу нимадан далолат беради? Қонунларимиз муттасил ўзгариб такомиллашиб бораётганиданми? Агар шундай бўлса, демек, қонунчилигимиз ҳар ой ёки ўн беш кунда ўзгариши, ислоҳ қилишга муҳтож экан-да, деган ҳаёл пайдо бўлади.

Дунё мамлакатлари юз йиллардан бери ўзгармай келаётган қонунлари билан фахрланади. Жаҳон таърибасида бирон ўзгариш тугул, ҳатто биргина қўшимча ҳам қўшилмаган қонунлар асрлар ошиб

яшаб келаётгани ҳам ҳақиқат. Бу каби қонунлар нафақат шу давр кишилари учун, балки уларнинг ота-боболари учун ҳам янгилик эмас. Улар билган, амал қилган қонунларга уларнинг авлодлари ҳам риоя қилиб келишяпти. Бундай қонунчилик учун «ўзгариш» сўзи оламшумул янгилик бўлиши мумкин.

Бу каби қонунлар инсонларнинг ҳаётидан мустаҳкам жой эгаллаган. Шундай қонун борлигини ҳамма билади.

Оғишмай риоя қилади.

Бизда қачон қандай қонун қабул қилинаётгани ёки қайси қонунга қандай ўзгариш киритилаётгани ҳатто зиёлиларга ҳам тўла таниш, деб айтолмаймиз.

Сабаби, ҳали бир ўзгаришни ўрганиб улгурмасдан навбатдаги ўзгариш эълон қилинади. Алал-оқибатда ўзгаришлар нимага олиб келяпти?

Қонун халқ учун ҳамма нарсадан улуг ва муқаддас бўлиши керак. Қонунга амал қилиш қайсидир органнинг назорати билан амалга ошса, бу қутилган натижани бериши қийин. Қонун шахсий ғаразлардан устун турадиган, давр эврилишларига бардошли, ўзида халқ манфаатини тўла ифода этадиган, ҳолис,

кимсалар фикри билан барқарорлигини йўқотмайдиган, манфаатлар тўқнашувида турланмайдиган ва тусланмайдиган юридик ҳужжатдир. Қонунлардаги тенглик тамойили ундан ҳамма бирдай зарар ё фойда кўриши билан белгиланади.

Аҳолининг юқори табақаси — «қонун ижодкорлари» манфаат топиб, халқ жабр кўрадиган қонун ҳеч қачон адолатли ёки ҳолис бўлолмайди.

Қонунга ҳурмат қонуннинг ўзидан-да муқаддасроқ туйғу. Асрлар давомида қонунлар ишлаб чиқилади, қабул қилинади, ҳаётга тадбиқ этилади. Лекин уларни халқ қандай кутиб олади? Улар халқнинг кунига қанчалик ярайди? Улардан халқ қанчалик рўшнолик кўради?

Халқнинг турмуш тарзи, ҳаёти, фаровонлиги қонунларнинг қанчалик адолатлилиги, қай даражада ҳолис ва ҳаққонийлиги, шунингдек, амалиётда қанчалик аҳамиятлилиги билан ўлчанади.

Даврон ЭШҚОБИЛОВ



Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаравонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 14-модда.

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси

*Мамлакатимиз суверенитети,
тинчлик ва осойишталигимиз
асоси – Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси
қабул қилинганлигининг
28 йиллик айёми билан самимий
муборакбод этади!
Юртимизда доимо қонун ва адолат
устувор бўлсин!*

Байрамингиз муборак бўлсин!



Янги молиявий ёрдамчи:

КЎЛАМИ КЕНГ, НАТИЖАСИ САЛМОҚДОР



«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки жамоаси тақдим этган навбатдаги янги «QUANT» (молиявий ёрдамчи) мобиль иловаси мижозларга ҳар жиҳатдан маъқул келмоқда. У билан тил топишиш осон ва фойдаланиш қулай, хуллас афзал жиҳатлари кўп. Устига-устак у мижоз учун ҳақиқий молиявий ёрдамчи бўлиб, маблағларингизни бошқаришда беқиёс имкониятлар тақдим этади.

Катта рақобат билан ёнма-ён

Бугунги замон вақтни кадрлайди-ганларники. Бундай одамлар ҳаётига янгиликлар тез сингиб кетади, улар ҳар дақиқадан қойилмақом фойдаланишади. Зотан бугун заррача лоқайдликка берилишни боғидаги дарахтларда ғуж-ғуж пишиб етилган тайёр мевани териб ололмасдан нобуд қиладиган ношуд дехқонга менгзаш мумкин. Йил бўйи меҳнатини қилиб, ҳосил айна етилганда ер билан битта бўлса... Бундан аламли ҳолат бўлмаса керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Марказий банк томонидан «Контаксиз тўловлар, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базасини ривожлантириш» бўйича чора-тадбирлар комплексида айнан биз юқорида эслатиб ўтган мақсад-муддао, яъни вазифани кечиктирмасдан бажариш назарда тутилган. Ушбу муҳим ҳужжатлар банк тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш, мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сони ва сифатини янада яхшилаш, қулайлик ва ҳаммабоплигини таъминлашда кенг имкониятлар яратди. «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан Uzcard, UnionPay ва бошқа тўлов тизимларини ўзида мужассамлаштирган Кобейжинг карталари ҳамда VISA classic ва VISA Gold халқаро тўлов карталари муомалага чиқарилгани вақтни кадрлайдиган, уddaбурон инсонлар учун катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Кунни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан ўтказилган матбуот анжумани ҳам банкнинг бугунги хизматларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб, жумладан, тезкорлик, қулайлик, ишончлилик мавзусига бағишланди. Анжуманда банк бошқаруви раҳбарияти ва тегишли таркибий тузилмалар, масъул ходимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

– Молия муассасамизнинг бошқа меҳнат жамоаларидан фарқи шундаки, у бир-биридан қулай, тезкор ва қафолатли, энг муҳими ишончли хизмат турларини мижозларга тақдим этган ҳолда, уларнинг кўнглидан муносиб тарзда жой олишга астойдил интиломқда, – дейди «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви раиси ўринбосари Фарход Гафуров. – Албатта, бундай ўзига хослик кўп-кўп вазифаларни кунт ва сабот билан уddалаб боришни талаб этади. Бугунги кунда банкимизнинг худудлардаги 43 та филиали, 201 та шохобчасида фаолият юритаётган барча ходимлар ана шу тамайилга сўзсиз амал қилмоқда. Қолаверса, бугунги рақобат майдонида ҳар бир

банк мавжуд янгилик ва ўзгаришларга тайёр турмаса, мижозлар ишончидан чиқиб қолиши турган гап.

Сир эмас, бугунги кунда мавжуд тижорат банклари ўртасидаги соғлом ва шаффоф рақобат муҳити шаклланиб улгурган. Мазкур жараёнда, айниқса, банк активларида хусусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга оширишга қаратилган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича тизимли ислоҳотлар билан бирга кадам ташлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда соҳани ривожлантириш билан боғлиқ талай вазифалар дадил ўртага ташланган.



Яратиш завқи ва заҳматлари

«Дунё яралгандан бери инсон тинимсиз меҳнат қилади, тер тўкади, азият чекади, турли-туман машиналар, агрегатлар, станоклар, механизмлар яратади, мусика, шеър, романлар тўқиб ташлайдиган роботлар ясайди, ўқийдиган, таржималар қиладиган, эшитадиган ва кўрадиган автоматлар ихтиро этади, денгиз тубига, ер қаърига шўнғийди, Ойга учеди... Хўш, нима мақсадда шундай қилади? Сира ўйлаб кўрганмисилар? Ўзига қулай, яхши бўлиши учун шундай қилади...» Ёдингизга тушгандир, бу сатрлар таниқли грузин адиби

Марказий банк томонидан «Контаксиз тўловлар, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базасини ривожлантириш» бўйича чора-тадбирлар комплексида айнан биз юқорида эслатиб ўтган мақсад-муддао, яъни вазифани кечиктирмасдан бажариш назарда тутилган.

Нодар Думбадзенинг «Оқ байроқлар» романи қахрамони Исадор амаки тилидан айтилган.

Дарҳақиқат, инсон XXI аср бўсағасига кадам қўйган палладан бошлаб, яшаш учун қулайлик яратиш асосий мақсадга айланмоқда. Бу жараёнда тижорат банклари ҳам анча фаол. Сон-саноксиз янгилик ва қулайликлар, мижозларнинг қимматли вақтини тежаш, хизмат турларидан масофадан туриб фойдаланиш...

Мамлакатимиздаги йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланган «Қиш-



лоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг янги «QUANT» мобиль иловаси ҳам яқинда амалиётга жорий этилган бўлишига қарамасдан минглаб мижозлар кўнглига йўл топди. Шунини алоҳида урғу бериб таъкидлаш керакки, мазкур илова орқали банк мижозлари дунёнинг исталган нуқтасидан туриб коммунал тўловлар, омонат хизмати ва

ди, кизиқиш доирасини оширади. Шу билан бирга, мобиль алоқа, коммунал хизматлар, телевидение, интернет провайдерлар, давлат хизматлари, телефон ва ҳаттоки хайрия мақсадларини ҳам қамраб олган.

Банкнинг барча бўлимларида иш қайнайди. Гоҳ у масала, гоҳ бу масала хамирдан қил суғурғудек фурсат ичида ҳал этилади. Масалан, молия муассасасининг ўтказмалар бўлимида, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ва бошқа тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган пластик карталарга пул ўтказмалари P2P амалиётларини амалга ошириш мумкин. Аслида бу сингари иловалар бошқа банклар томонидан ҳам ишлаб чиқилиб, фаол тарзда оммага тақдим этилмоқда. Шу боисдан мавжуд рақобат шароитида ўз ўрнини топиш учун «QUANT» мобиль иловасида бошқа рақобатчилар томонидан қўлланмаган хизмат йўлга қўйилди. Яъни, NFC технологияси орқали контактсиз тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин. «QUANT» мобиль иловаси билан савдо шохобчалари, хизмат кўрсатиш, умуман HUMO терминаллари бўлган барча нуқталарда фақат телефон ёрдамида тўловни амалга оширса бўлади.

Мобиль илова орқали бириктирилган HUMO картадаги маблағни NFC технологияси орқали бошқа HUMO картасига ўтказиш мумкин. Бундан ташқари илованинг банк хизматлари бўлими орқали карталарни бошқариш, ҳисоблар тўғрисида маълумот ва мониторинг, конверсия, омонат, шунингдек, кредит амалиётлари бажарилади.

Сирасини айтганда, «QUANT» мобиль иловаси мижозларнинг масофадан туриб банк хизматларидан тезкор ва сифатли фойдаланиш истагини тўла қондириши билан аҳамиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки жамоаси мижозларга янги хизмат турларини тақлиф этиб, хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш устида доимий изланишда. Шу боисдан ҳам аҳоли маблағларини жалб этиш бўйича ҳам мамлакат молия бозорида етакчи молия муассасалари қаторига кирмоқда. Чунки, бу ерда энг замонавий технологиялардан унумли ва ўрнида, жойида фойдаланилмоқда.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири
Хизматлар лицензияланган.

Баркамоллик сари интилган ҳар бир инсон китоб билан қадрдон дўст тутиниши шубҳасиз. Китоб зулматда нур, доно устоздир. У ўзига яқин келганларнинг йўлини ҳар доим чарогон этиб турувчи шамчироқ десам янглимайман.

ОИЛАВИЙ КИТОБХОНЛИК

фарзанд учун умр бўйи татийдиган хазина

Инсон учун китобдан азизроқ, ёқимлироқ суҳбатдош йўқ. Китоб ичида барча илму ҳикмат мужассамдирки, у одамларни ўтмиш ва келажакдан огоҳ қилиб туради.

Ҳар бир ота-онага энг лазиз ва энг азиз, Аллоҳ томонидан инъом этилган неъмат бу фарзандидир. Унинг камолотини кўриш эса нақадар бахт. Комил инсон бўлиб улғайган ҳар қандай фарзанд эса, элнинг кўркидир. Бир киши донишманддан сўрабди: «Фарзандим хурсанд бўлиши учун унга нима совға қилай?» Донишманд жавоб берибди: «Агар қанд берсанг, боланг бир кун хурсанд бўлади, эртасига таъминини унутади. Ўйинчоқ олиб берсанг, бир ҳафта қувонади. Тулпор, от мингазсанг бир ой қувонади. Сен фарзандим бир умр хурсанд бўлсин десанг, унга китоб совға қил».

Ҳа, ҳар бир ота-онада эртами-кечми «Фарзандим учун кутубхона ташкил қилишим керакми?», «Бу кутубхона қандай бўлиши керак?» деган саволлар туғилиши табиий. Аввало, айтиш керакки, ҳар бир оилада кутубхона бўлса нур устига нур. Унда катталар ва кичиклар учун қизиқ ва муҳим китобларни тўплаб бориш зарур. Бу узоқ давом этадиган жараён бўлиб, фарзандингиз чақалоқлик пайтидан бу ишга киришилгани маъқул.

Кўп ота-оналар болалари учун замонавий, ёрқин ва жимжимадор

муқовадаги китобларни харид қилишга ҳаракат қилишади. Баъзилар эса китобларни сотиб олиб келишгач, уларни ҳатто бир бор варақлаб кўрмасдан бир бурчакда йиллар мобайнида чанг босиб ётаверади. Албатта, бу иш нотўғридир.

Китоб танлаш учун болангизни дўконга бирга етаклаб боринг. Токи кичкинтойлик пайтидаёқ китоб харид қилиш ҳам кийим-кечак ёки озиқ-овқат сотиб олишдек ўта зарур эканини аңласин.

Харид қилиш чоғида фарзандларимизнинг қизиқиши, китобнинг мазмуни ва албатта, мутолаасига ҳам аҳамиятли бўлиш зарур. Агар болангизга кўплаб ажойиб адабиётлар харид қилсангиз, ўзингиз мутлақо китоб ўқимасангиз, билинги, фарзандингизнинг китобхонлиги узоққа чўзилмайди. Бола кўпроқ катталарга, айниқса, ота-онасига ўхшашга тақлид қилади.

Шунинг учун кўпроқ оилавий китоб ўқишни йўлга қўйиб, матнни ифодали ўқиш кўникмасини шакллантириш зарур. Шунда фарзандларимиз ҳаёт синовларида қоқилмасдан, ўз мақсадларига эришишига кўмаклашган бўламиз.

Рўза РАҲМОНОВА,

Урганч туманидаги 6-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

«САҲИҲУЛ БУХОРИЙ»ДА

РАСУЛУ АКРАМ МЎЪ ЖИЗАЛАРИ

130 кишига бир жижар-талок

III жилд. 2618-ҳадис. Абдурраҳмон ибн Абу Бакр розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан 130 киши бирга эдик. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Бирортангизда егулик борми?**» дедилар. Қарасак, бир кишида бир соъ* егулик бор экан, ўшани қоришди. Кейин бир мушрик киши сурув ҳайдаб келиб қолди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Сотганими ё совғагами?**» дедилар. У: «Йўқ, сотгани», деди. Ундан бир кўй сотиб олдилар. Уни сўйиб, тайёрлашди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унинг жижар-талогини қовуришни буюрдилар. Аллоҳга қасамки, 130 кишининг ичида жижар-талокдан Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир кесим бермаган киши қолмади. Борларнинг ўзига берардилар, йўқ бўлса, унинг учун олиб кўяр эдилар. Хуллас, уни икки ёғоч товоққа бўлиб қўйдилар. Ҳаммалари ейишди. Биз тўйгач, ўша икки товоқ ортиб қолди. Сўнгра уни туяга ортиб олдик».

* бир соъ тақрибан 4 килограмма тенг.

Тушда аён бўлган башорат

IV жилд. 2624-ҳадис. Абдуллоҳ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «**Тушимда одамларнинг бир тепаликка тўпланиб турганини кўрдим. Абу Бакр туриб, бир-икки челақ сув тортиб олди. Бир тортиб олишида заифлик бўлди. Аллоҳ уни кечирсин. Кейин уни Умар олган эди, унинг қўлида катта пакирга айланди. Мен одамлар орасида унингдек ўз ишига уста, мохирини кўрмаганман***».

* Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам бу билан келажакда бўладиган муҳим воқеаларни баён қилмоқдалар. Жумладан, Абу Бакр розияллоху анҳунинг халифалиги оз муддат бўлиши, бу даврда фатҳлар ҳам кам бўлишини айтмоқдалар. Бирок бу Абу Бакр розияллоху анҳунинг фазилатига путур етказмайди. Шунингдек, Набий алайҳиссалом Умар розияллоху анҳунинг халифалик даври узоқ давом этиши ва унда кўп фатҳлар бўлиши, мусулмонларнинг ишлари авж олишини айтиб, у кишининг ниҳоят даражада ўз ишига мохир, нодир қобилият соҳиби эканини таъкидламоқдалар.

АЁЛЛАР НИМА ДЕЙДИ, АЁЛЛАР?



Шоди Хуррамович катта бир корхонанинг директори. Отли-обрўйли. Кимсан Шоди Хуррамович! Кунларнинг бирида кечқурун ишдан ҳориб- чарчаб келган Шоди Хуррамовични аёли хавотирли қаршилади.

– Дадажониси, – деб гап бошлади Чакқоной ховликиб. – Ишингизда ишқал йўқми?

– Йўқ. Нима эди? Бунча ҳовликмасанг?.. Ёки бир нималар эшитдингми?

– Ҳа-да, эшитдим, эшитмасам, айтардим. Сиз у ёқларга кетиб қолсангиз, биз нима қиламиз, – деди кўзига ёш олиб хотини.

– Ие-ие, қаерга кетиб қоламан?.. Бундоқ тушунтириб гапирсанг-чи, чайналмай, – деди эри жаҳл билан.

– Сиз... сиз пора олармишсиз, ха, ха, порхўрмишсиз. «Кўк»идан ҳам, сўмидан ҳам олаверади, дейишяпти.

Энди хотини ростакамига йиғлашга тушди.

– Эй, нафасингни ел олсин, туф-туф. Қаердаги совуқ хабарларни топасан. Ундан кўра дарров аччиқина чой дамла.

«Тавба, ким бўлиши мумкин...» ҳаёлидан ўтказди Шоди Хуррамович. Тўғри, шу яқин кунларда уч-тўрт одамнинг ҳожатини чиқариб бергани рост, аммо ҳаммаси ҳам оғзига маҳкам

одамлар эди-я. Уларни нима жин урди экан-а.

Чакқонойнинг кўнгли сал хотиржам бўлди шекилли югуриб ошхонага кириб кетди ва бир чойнак кўк чойни дамлаб эрининг олдига қўйди. Шоди Хуррамович чойнақдаги чойни қайтариб устига ёпғични бостириб қўйиб аёлига юзланди.

– Хўш, ким айтди, нима деди? Кимдан нима олибмишман? Бир бошдан гапир-чи!

– Кеча нариги маҳаллага тўйга борган эдим. Ўша ерда аёлларнинг оғзида шу гап, дадаси. Уялиб кетдим. Улар сизнинг хотинингиз эканимни билишмай, бири олиб, бири гапириб ётибди. Бир хаёлим шартга ёқасидан олай дедиму, аммо тишимни тишимга қўйиб чидадим.

– Бе-е, кўйсангчи, аёллар ўзи жуда сергап бўлади-да. Хотинлар бекор, бекорчи бўлганидан кейин нима қилишсин боёқишлар. Бировнинг ўғриси, яна бировнинг... Бор, овқатингиз суз, қорин ҳам тағалаб кетди.

Орадан бир ҳафталар ўтгач, Шоди Хуррамович ишдан

келгач, ҳар куни минг тавозе билан кутиб олувчи аёли уни совуққина қаршилади. Рангрўйи бир аҳволда. Кўнгли бир нимани сезган Шоди Хуррамович хотинига юмшоқлик билан деди:

– Қошу ковоғингиздан қор ёғяпти, сабабини билсак бўладими?

Жавоб ўрнига хотини йиғлашга тушди. Капалаги учиб кетган Шоди Хуррамович сўради:

– Хўш, бугун сизнинг фол-

йиғлаб. – Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирлармиди, дейман-да, дадаси.

– Сиз шунга ишондингизми? Ҳе, бор бўлинг-эй! Тавба, ҳозирги замон аёлларига нима бўлган ўзи? – деди Шоди Хуррамович жаҳли чиққан киши бўлиб. – Бор, чой дамла. Ҳе, бекорчилар...

Аёли кўнгли хотиржам бўлди шекилли қўлига чойнақни олиб ошхонага қараб йўрғалади.

«Тавба, бу аёллар ҳамма нар-



бин аёлларингиз яна нималар дейишди менинг ҳақимда?

– Сиз... сиз хотинбозмишсиз. Ҳа, ха, ҳар ойда битта чиройли қотибани ишга олади, дейишяпти аёллар, – деди хотини Чакқоной пик-пик

шундингизми? Изингизда одам бормиш. Сизга қармоқ ташлаган шу бугун илинтиришармиш.

– Уфф... Бунчалар захарсан-эй. Эрталабдан кайфиятимни буздинг. Буниям башоратчи аёлларинг айтдимми? Хўп, хўп ҳеч ким билан ҳатто кўришмайман ҳам, тавба!

Кечқурун қоронғи чўкса ҳам эридан дарак бўлавермагач, хавотир олиб ишхона қорувлига сим қоққан Чакқоной ноҳуш хабарни эшитиб ҳушидан кетиб йиқилди.

Шоди Хуррамович пора билан қўлга тушган эди. Эри қамалиб кетгач, Чакқоной уни кўргани борди. Шоди Хуррамовичнинг сиёсатли юришидан асар ҳам қолмаган. Буни кўрган аёлининг хуши бошидан учди. Эрига кўнглилик берди.

– Қисинманг, дадажониси ҳаммаси яхши бўлади. Бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Яқинда чикасиз. «Адашибман. Билмай қолдим...» десангиз худо хоҳласа, чиқармишсиз.

Шунда эри бирдан сергак тортиб:

– Ким айтди бу гапларни сенга?!

– Буни катталар айтишди. Олдинги бу ерга тушганларнинг гапи, – деса Шоди Хуррамович:

– Бе... катталарнинг гапини қўй, аёллар нима деяпти, аёллар?! – дермиш.

Болтабой МУҲАММАД ҚУРБОН

УЙЛАРНИНГ ТОМИ ПАСТ, ОДАМЛАР ОРИЯТИ БАЛАНД БЎЛАРДИ...

Таниқли санъаткор Тоҳир МАҲКАМОВ билан суҳбат

– Суҳбатимизни инсон умрининг зангори фасли – болалик хотираларидан бошласак. Эл суйган санъаткор Тоҳир Маҳкамовнинг болалиги қандай ўтган?

– Оилада энг кенжаси, еттинчи фарзандман. Болалигимда санъатга жуда қизиқар эдим, уйда хонтахтаю пиёлаларни уриб куй ҳосил қилишни яхши кўрардим. Биз оддийгина икки хонали уйда етти фарзанд катта бўлди. Энди бир ўйлаб кўринг, ота-онам ҳаммами тўққиз жон, икки хонали уйда яшаганмиз. Билмадим, у пайтлар одамларнинг даргоҳи ҳам, кўнгли ҳам кенг бўлганми – ўша уй бизга ҳечам торлик қилмаган. Унинг файзи ҳам бўлакча эди...

У пайтлар уйларнинг томи паст бўларди, у томдан бу томга сакраб ўтиб кетавардик. Аммо одамлардаги орият, оқибат хислатлари ҳозирги баланд томлардан ҳам анчагина юқори эди. Мана, ҳозир уйлар эртақлардагидек баланд, ҳашамагли, ўн-йигирматалаб хонаси бор. Томлари кўкка етади. Лекин уларда яшайдиган бола йўқ. Уйи катта, лекин унда югуриб ўйнайдиган боласи бир дона...

Ҳамма болалар каби кўп нарсага бир-бир қизиқиб кўрардим. Айниқса зарбли чолгуларни чалиш жону дилим эди. Маҳалламизда тўй бўладиган бўлса, санъаткор акаларимизнинг олдига бориб битта чалай деб ялинардим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, 4-синфлигимда бир ударник чаладиган акамиз мени уйдан олиб чиқиб кетган. Зарбли ударникни астойдил чалишни ўрганмоқчи бўлиб, бир устанинг уйини топиб бордим. «Ака менга шуни чалишни ўргатинг», деб илтимос қилиб турволдим. Улар ўша уйда новвойчилик ҳам қилишар экан. Ҳамир тайёрла, унни олиб бер, тандирга ўт ёқ ҳозир чаламиз ҳозир ўрганамиз, – деб ҳалиги жойда новвой бўлиб кетишимга бир баҳя қолди. Ҳозирги ёшлар билмайди, тўйлар тонготаргача давом этарди. Кечқурун куёвниқига тўй бошланиб, кейин келиннинг уйига кетиларди. Келиннинг уйида тўйни тугатиб, яна куёвниқига қайтиб келиб, сахаргача базм бўларди. Барабанга кўлимни кўйиб ухлаб қолган пайтларим бўлган. Эрталаб тўйдан чиқиб, сумкани елкага илиб мактабга жўнардим.

Мен учун болалик анча эрта якунланган. Ўн икки ёшимда тирикчилик кўйида кўчага чиқиб кетганман. Ҳам санъатга

бўлган қизиқишларим, ҳам оилавий шароитимиз туфайли бунга мажбур эдим.

– Инсон ҳаётда ўз ўрнини топишида у яшайдиган муҳит, атрофидаги инсонларнинг таъсири катта бўлади. Шу касбга муҳаббат қўйишингизга кимларни дахлдор, деб ҳисоблайсиз?

– Аслида мен туғилиб ўсган маҳаллани санъаткорлар маҳалласи деса ҳам бўлади. Мусахон, Мансурхон, Юсуфхон Нурматовлар девор-дармиён кўшним бўлишади. Хуршидбек Расулов – болалиқдан дўстим, синфдошим, маҳалладошим. Маҳалламиздан яна кўплаб санъаткор ва шоирлар етишиб чиққан. Ҳаммамизнинг бир-биримизга албатта таъсиримиз бўлган. Санъатга бўлган иштиёқ руҳида ўсганман.

– Илк кўшиғингиз қандай яралган?

– Илк кўшиғимни 1986 йил 8-синфда ўқиб юрган кезларимда ижро этганман. Китоб дўконлари кўп бўларди. Шеърый китобларга қизиқар эдим. Кутубхонага, китоб дўконига кўп борганимдан «Ана, кичкина мижозимиз келди», дея ҳазиллашиб кутиб олишарди. Бир гал кўлимга Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдуллиннинг «Нур кадри» деган янги китобини тутқазишди. Уни варақлаб, «Нечун ўз холимга кўймайсан, эй гап» номли шеърни куйга солиб басталаганман. У пайтларда ўзим кўшиқ айтмас, фақат басталар эдим. Тўйларда хизматда юрганамда қайси санъаткорни кўрсам, мана шу кўшиқни айтинг, деяверардим. Балки менсимаганми, ўша кўшиқни айтишмаган.

Кейин кўқонлик истеъдодли хонанда Сиддик Маҳмудов деган акамизга олиб бордим. Шу киши мен илк бор басталаган кўшиқни айтган. Яқинда ўзим ҳам болалигимни соғиниб, хотирлаб ўша кўшиқни куйладим.

– Ҳар бир кўшиқни халқнинг кўнглига олиб кириш синоати нимада, деб биласиз?

– Халқимизда: «Бўйнингга қилич келса ҳам, рост гапир», деган нақл бор. Кўшиқ ҳам, мусиқа ҳам ёлғон бўлиши керак эмас. Назаримда, юракдан чиққан куй-кўшиқ рост айтилган кўшиқлардир. Ана шундагина улар одамлар қалбига тўғри кириб боради. Менимча синоати шу бўлса керак.

– Хонанда Жаҳонгир Отажонов сизнинг «Мен ўзимни севаман, менга ўзим ёқади...» кўшиғингизни концертларида

турли қилиқлар билан ижро этди. Ҳатто ошириб ҳам юборди назаримда, бунга сизнинг муносабатингиз қандай?

– Бу кўшиғим аллақачон халқимизнинг қалбига кириб, чуқур ўрнашиб бўлган. Энди уни бошқача айтиб, обрў олиб бўлмайди. Умуман олганда, хонандалар менинг кўшиқларимни айтишларига қаршилигим йўқ.

– «Тикка туриб ўлганим бўлсин», «Эй гап», «Сизга қолган куним курсин» каби кўшиқларингизни тинглаган борки, ўз дардини эшитаётгандек бўлади. Бундай дардли кўшиқлар куйлашингизга нима туртки бўлган?

– Хонанданинг айтаётган кўшиқларига қараб, унинг феъли, табиати қанақалигини деярли билса бўлади. Айтаётган кўшиқларимнинг 70-80 фоизида ўзим борман, ўзимнинг дардим яширинган. Умуман, бу кўшиқлар ўзимиз ҳақимизда, бизнинг кўнглимиздагилар ҳақида.

– Ўз композицияларингиз қандай туғилади?

– Сал нарсага таъсирланаман. Яхши шеър, яхши сўз мени дарров йиғлатиши мумкин. Сўзда қудрат бор! Ёмғирни, ярим кечани яхши кўраман. Кўпинча шу ҳолатларда янги кўшиқ яралиб қолади.

– Машҳурлик ҳақида нима дея оласиз? Кун келиб ҳамма ҳам сахнани бўшатишига тўғри келади.

– Отаётган тонг ботишга маҳкум. Туғилиш, яшаш, ўлим... Санъатда, одамларнинг қалбида, қанчадир муддат яшаб қолишнинг ўзи катта бахт. Машҳурликнинг мана шу бахтдан бўлак бошқа яхши томонини билмайман.

– Санъаткор учун энг катта ғов нима?

– Нима бўларди, лицензия-да!.. (кулади). Албатта бу ҳазил. Ҳақиқий ижодкор учун ғовнинг ўзи йўқ. Истеъдод булогини сунъий равишда беркитиб бўлмайди. Чунки у бир жойда беркитилган билан, иккинчи бир жойдан яна отилиб чиқаваради. Яратиб берилаётган шароитларга муносиб ижод қилсак бўлди!



Қисқа саволга – қисқа жавоб:

- Ўзига хослигингиз?
- Ҳеч кимга ўхшамаслигим.
- Қайси одатингизни ўзгартирган бўлардингиз?
- Бироз уришқоқлигим ва ёввойилигимни!
- Ишончингизни йўқотган инсонга яна бир бор имконият бера оласизми?
- Худодан гуноҳларимизни кечиршини сўраб, бир-биримизни кечирмасак қандай бўлади. Яна кўп имкон берардим...
- Қаршингиздан Ҳизр бобо чиқса...
- Ўзимга ҳам, фарзандларимга ҳам, юртга ҳам, Ҳолаверса, Хизр бобонинг ўзига ҳам Худодан сўрардим... Ҳамма яқинларимга соғлиқ, имонимизни мустаҳкам бўлишини сўрардим...

– «Менинг ҳаётимни куйлабсиз...» Мухлисларингиз бу каби фикрларни кўп айтиб туришса керак? Қайси кўшиғингизга энг кўп шундай фикр билдиришган?

– «Қизим» деган кўшиғим ҳақида кўп айтишади. Фалсафий кўшиқларим ва ота-оналар ҳақидаги кўшиқларим ҳам, ўзим каби кўпларнинг дарди. Баъзан ўзим ҳам кутмаган тароналаримни айтиб, куйлаб беринг, дейишади.

– Менимча, сиз ҳаётнинг паст-баландликлари, фирромликларидан ҳам миннатдор бўладиган инсонсиз, адашмадимми?

– Адашмадингиз! «Дунёдаги энг буюк илм – бу мураса илми», дейилганидай ҳаммани, ҳаммасини, қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга анча ўрганиб қолдим.

– Тоҳир Маҳкамовнинг энг катта орзуси нима, армонлари-чи? Иқроларингиз борми?

– Орзуим – худди эртақлардагидай ҳаммаси яхшилик билан тугаса... Армоним – ота-онам тирик бўлганларида, янада кўпроқ хизматларини қилган бўлардим, афсус... Иқрорим – ноҳақлигимни тан олгим келмайди.

Азизбек АБДУМАЛИКОВ
суҳбатлашди.





UZTELECOM

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Сиз азиз ва мухтарам
юртдошларимизни яқинлашиб келаётган

8 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган
кун билан самимий қутлайди!

Халқимизнинг орзу-умидларини ўзида мужассам этган
Бош қомусимиз – Конституция байрами
барчага муборак бўлсин!

Давлат фуқароларнинг Конституция ва
қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва
эркинликларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,
43-модда.

Ҳаётимиз тинч ва фаровон бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

OILA
DAVRASIDA
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси
таҳририяти» масъулияти
чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳуснидин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-1237
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Алади: 1 644 нусха.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00



123456